

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАРОВА ГУЛБАХАР АЙТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ-ДИНИЙ МАДАНИЯТИ
РИВОЖИГА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТАЪСИРИ**
09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(дин фалсафаси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Сапарова Гулбахар Айтбаевна

Қорақалпоқ халқи маънавий-диний маданияти ривожига миллий ўзликни
англашнинг таъсири.....3

Сапарова Гулбахар Айтбаевна

Влияние национального самосознания на развитие духовно-религиозной
культуры каракалпакского народа.....21

Saparova Gulbakhar Aytbayevna

The influence of national identity on the development of the spiritual and religious
culture of the karakalpak people39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

САПАРОВА ГУЛБАХАР АЙТБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ-ДИНИЙ МАДАНИЯТИ
РИВОЖИГА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТАЪСИРИ**
09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(дин фалсафаси)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fa125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдусамедов Анвар Эшонхонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Бердимуратова Алима Қарлибаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги **DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг** 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Д.Э.Файзиходжаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари номзоди, доцент

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳонда глобаллашув ва ахборатлашув шароитида миллий ўзликни англашга эҳтиёжнинг ортиб бориши, унинг муҳим омилларидан бўлган миллий ва диний кадриятлар интеграцияси, диний маърифатга бўлган муносабатнинг ўзгариши дунё ҳамжамияти томонидан тараққиётнинг тактик ва стратегик омили сифатида қаралмоқда. Бу миллий, умуминсоний ва диний кадриятлар уйғунлигида маънавий маданият ривожини билан боғлиқ ҳолда миллий ўзликни англашни такомиллаштиришни тизимли ёндашув ва назарий-фалсафий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида жамият маънавий ривожини миллий ўзликни англаш ва диний кадриятларнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этиш жараёнида, «миллат», «этнос», «этниклик» каби категориал тушунчаларнинг методологик асосларига оид бир қатор концептуал ғоялар таҳлил этилган. Шунингдек, ҳозирги даврда миллий ўзликни англаш муаммоси жараёнининг типологияси, моделлари ҳам қиёсий таҳлили фалсафий жиҳатдан тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, давлат мафкурасининг ўзликни англашга таъсир этиш механизми, муайян жамиятда жаҳон ва миллий динлар таъсирида ўзликни англашнинг (шу жумладан, миллий ўзликни англаш) мафкуравий бирлигини шаклланиши, муайян давлат ҳудудида ўзликни англаш жараёни: катта гуруҳлар, миллатлар, ижтимоий–демографик ва касбий йўналишларда, шахс ҳамда кичик гуруҳларда шаклланиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йиллари қорақалпоқ халқи миллий ўзлигини англаш жараёни ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётда долзарб масалалардан бирига айланди. Замонавий ижтимоий-маданий трансформация жараёнида қорақалпоқ халқи маънавий-диний маданияти ривожига миллий ўзликни англашнинг таъсирини назарий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сон, 2018 йил 16 апрельдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 28 июльдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 6 июльдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш» Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан ёшлар масалалари бўйича тузилган, 2017 йил 28

июльдаги ПҚ-3160-сон Республика «Маънавият ва маърифат Маркази»ни Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиш қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, эстетик бадиий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзликни англаш жамият тараққиётининг илк даврларидан бошлаб, яъни жамоавий меҳнатни шаклланиш ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда одамзотнинг қизиқтирган масалалардан биридир. Дастлабки ўзликни англашга оид диний руҳдаги қарашлар муқаддас китоблар – Авесто, Ригведа, Таврот, Инжил, Қуръони каримда ўз ифодасини топган.

Антик давр мутафаккирлари хусусан, Героклит, Демокрит, Сукрот, Конфуций, Платон, Аристотель ўзликни англашнинг диний-руҳий жиҳатлари билан бир қаторда унинг илмий талқинига эътибор қаратадилар. Ғарб олимлари асарларида дин ва миллий ўзликни англашни этнос ва этниклик хусусиятлари билан боғлиқлиги, хусусан социал психология ва дунё фани билан умумалоқадорлигини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга алоҳида эътибор берилган. Ушбу асарлардаги миллий ўзликни англашга доир илмий хулосалар бу муаммони ўрганишда ўз ўрнига эга бўлди. Миллий ўзликни англашнинг ўзига хос қарашлари Шарқ уйғониш даврининг вакилларидан Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Хожиб, Бурхониддин Марғиноний, Абу Абдурахмон Носойи, Пахлавон Маҳмуд, Хўжа Ахрор Валий, Амир Темур, Алишер Навоий каби кўплаб улуғ алломалар ва давлат арбобларининг асарлари орқали бизга етиб келган. Айни вақтда ислом фалсафаси хусусан муҳандислик илмининг намоёндалари Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Замахшарий, Юсуф Хамадоний, Абдуҳолик Ғиждувоний, Азизиддин Насафий, Муҳаммад Ғаззолий ва бошқалар¹ ўз асарларида миллий ўзликни англаш юзасидан муҳим ғоявий-назарий фикрлари илгари сурилган. Тараққиётнинг кейинги босқичларида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний ва бошқалар ёшлар, яъни шахс онгига маърифат, маданият, миллий урф-одат, миллий ўзликни англаш миллийлик хусусиятларини киритишга ҳаракат қилдилар.

¹ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомеъ Ас-Саҳих. (Ишонарли тўплам) 4-жилдлик. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999. Т.1. – 560 б; Т. 2. – 607 б. Т.3. – 559 б. Т.4. – 527 б.; Абу Исо ат-Термизий Аш-шамоил ан-Набивийба. –Тошкент: 1999; Рудольф У. Ал-Мотуридий ва самарқанд суннийлик илоҳияти. Рус тилидан таржима. –Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2001; Азизиддинқаро жамғармаси, 2001; Азизиддин Насафий. Зубдат ул-ҳақоийқ. Ҳикматлар қаймоғи. –Тошкент: Камалак, 1995; Абдуҳолик Ғиждувоний. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003; Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихё ул улум ад-дин. 1-китоб. –Тошкент: Мовароуннахр, 2003; Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улими-дин. 4-китоб. –Тошкент: Мовароуннахр, 2004.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз истиқболи билан боғлиқ бўлган миллий ўзликни англаш масалаларининг маънавий мерос ва қадриятларнинг таҳлилига оид ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ўзига хос томонларини тадқиқ этиш муаммосининг у ёки бу жиҳатига тааллуқли бир қатор диссертациялар ҳимоя қилинди. Бу борада А.Очилдиев миллий ўзлик ва миллий маданиятнинг ўзаро таъсири муаммоси хусусида, С.Атамуратов жамиятни янгилаш жараёнида миллий маданият ва миллий ўзликни англаш доирасида, И.Р.Хўжамуродов Ўзбек халқи миллий ўзлигини англашга исломнинг таъсири, В.Қўчқоров Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократиялашиши жараёнида миллий ўзликни англаш муаммосининг сиёсий-фалсафий таҳлили, И.Худойбердиев ислом ва ўзбек халқида миллий онг ҳамда психологиянинг шаклланиш муаммолари, З.Хайитов мустақиллик шароитида миллатларнинг миллий ўзлигини англашнинг ривожланиш хусусиятлари, М.Абдураимова Ўзбекистонда демократик жамият куришда сиёсат, дин ва миллий ўзликни англаш муносабати муаммоси ва бошқалар².

Мазкур илмий тадқиқотларда, миллий ўзликни англаш жараёнининг маданиятни юксалтириш, инсон маънавиятини бойитишда қадриятларнинг ўрнига доир муҳим ғоялар ва илмий ҳулосалар илгари сурилган бўлса-да, аммо уларда миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлигида миллий ўзликни англаш масаласи, айниқса, қорақалпоқ халқининг маънавий маданияти ривожидида миллий ўзлигини англаш муаммоси махсус тадқиқ этилмаган.

Қорақалпоқ халқининг тарихи, илмий-маданий мероси, адабиётини тарғиб қилиш ва ривожлантиришга Бердақ, Ажиниёз, Кўнходжа, А.Мусаев, С.Маджитов, А.Дабиллов, С.Нурибетов, фольклор йўналиши бўйича Қ.Айимбетов, Қ.Мақсетов, С.Баҳадирова, К.Алламбергенов, бугунги мустақилликни кўйлайдиган қорақалпоқ халқ шоирлар ва ёзувчилари И.Юсупов, Т.Жумамуратов, Т.Қайипбергенов, Г.Есемуратова каби адиблар улкан ҳисса қўшганлар. Шунингдек, бу мероснинг илмий жиҳатлари М.К.Нурмухаммедов, Т.А.Жданко, С.Х.Камалов, П.П.Иванов, К.Мамбетов, Ж.Урумбоев, Ж.Базарбоев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган³. Айни вақтда қорақалпоқ халқининг бой маънавий мероси, жумладан миллатнинг ўзлигини белгиловчи омиллардан бири бўлган урф-одат, маросимчилиги, ўзига хос маданияти турлари, кўп жилдлик қорақалпоқ фольклорида кенг ёритилган⁴. Аммо мавжуд адабиётларда қорақалпоқ халқи ижтимоий, маънавий маданияти ривожидида миллий ўзликни англашнинг миллий муқобил илмий муаммо сифатида махсус ўрганилмаган. Бу ҳолат, янги ижтимоий-амалий, илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган мавзу сифатида

² Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

³ Бердах. Избранная лирика. – Т.: 1984; Бердақ. «Амангелди», «Айдосбаба», «Ерназар бий», «Шежире», «Хорезм». Сайланды шығармалары. Нөкис: Қарақалпақстан баспасы, 1997; Ажинияз. Таңламалы шығармалары. – Нөкис. 1988; Нурмухамедов М.К., Жданко Т.А., Камалов С.К. Каракалпаки. Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней. –Т.: 1971; Иванов П.Н. Очерки истории Каракалпакии. –М.: 1935; Урумбаев Ж. Очерки истории школ Каракалпакистана. –Нукус, 1974; Қарақалпақстан XIX әсирдин екінши ярымынан XXI әсирге шекем. –Нөкис, «Қарақалпақстан», 2003; Ж.Базарбоев. Миллий идея-жол көрсетиўши жұлдыз. “Қарақалпақстан” баспасы. Нөкис. 2011.

⁴Қарақалпақ фольклоры. (көп томлык). 1-20 томлар. «Қарақалпақстан». Баспасы. 1977-1990-ж.ж.

қорақалпоқ халқи маънавияти ривожда миллий ўзликни англашнинг таъсирини махсус тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Миллий, диний ва умуминсоний қадриятларнинг фалсафий таҳлили» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқи миллий ўзликни англашнинг ривожланиш жараёнини назарий-методологик ҳамда илмий-фалсафий тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий ўзлик ва диний омил тушунчаларининг илмий-фалсафий асосларини тавсифлаш;

қорақалпоқларда миллий ўзликни англашнинг диний эътиқод, халқ қадриятлари билан боғлиқлик томонларининг ўзига хос хусусиятларини илмий асослаш;

миллий ва диний қадриятлар уйғунлигига янгича ёндашувнинг фуқаролик жамияти ривожига қўшаётган хиссасини аниқлаш;

қорақалпоқ халқи миллий маданияти тарихи ва миллий ўзлигини англашнинг ўзига хос хусусиятларини фалсафий таҳлил этиш;

глобаллашув жараёнида кечаётган бугунги кунда носоғлом кучларнинг дин ниқоби остидаги вайронкор ғоя ва хатти-ҳаракатларнинг миллий ўзликни англашда келтириб чиқарадиган зиддиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти қорақалпоқ халқи миллий ўзликни англашда маънавий-диний маданият омилларининг илмий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ халқи маънавий-диний маданияти ривожига миллий ўзликни англашнинг таъсирини назарий-фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ, синтез, кузатув, тизимли ёндашув, диалектика, қиёсий таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий ўзликни англашда қорақалпоқ халқи этногенезиси ва маданиятининг ўзига хос хусусияти (тил, миллий психология, уруғ, урф-одатлар, анъаналар, ахлоқ қоидалари, маданият) асосланган;

қорақалпоқ халқи ўзлигини англашда миллий-маънавий (санъат, диний эътиқод, никоҳ маросимлари) ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги асосланган;

қорақалпоқ халқи ўзлигини англашда маънавий-диний маданият ва миллий мероснинг ўрни миллий идентиклик жиҳатдан очиқ берилган;

глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашда маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда шажаравий тарбиянинг роли асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий ўзликни англашда маънавий маданиятни бойитиш имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳамда ўзини-ўзи бошқарув механизмлари ишлаб чиқилган;

миллий ўзликни англаш назариясидан миллий мафқурани мустаҳкамлашдаги аҳамиятига эътибор қаратиш ҳамда турли ақидапарастлик, экстремистик ғоялар таъсирига берилиб қолмаслик юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда олға сурилган ғоялар асосида миллий ўзликни англаш назариясини янги далиллар билан бойитилди. Миллий ўзликни англаш миллий мафқурани мустаҳкамлашда ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, халқимизни, айниқса, ёшларимизни турли диний ақидапарастлик, экстремистик ва ёт ғоялар таъсирига кириб қолмаслигини таъминлайди. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, маънавият, маърифат муассасаларида амалга ошириладиган тарбиявий ишларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий ўзликни англашнинг назарий-фалсафий ғоялари ва функциялари асосида ишлаб чиқилган маънавий маданият тараққиётига оид таклифлар асосида:

миллий ўзликни англашда қорақалпоқ халқи этногенезиси ва маданиятининг ўзига хос хусусияти (тил, миллий психология, уруғ, урф-одатлар, анъаналар, ахлоқ қоидалари, маданият) деган илмий янгилигидан фойдаланилган (Ўзбекистон Давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмасининг (2019 йил 11 апрельдаги 106-сонли маълумотномаси), Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг (2019 йил 30 октябрьдаги 2-04/2112-сонли маълумотномаси). Мазкур тадбирларда миллий ўзликни англашда қорақалпоқ халқи миллат сифатида шаклланиши, ўзига хос бўлган тил, маданият, маънавий-маданий мероси, урф-одат, анъаналар ва диний қадриятларига оид илмий натижа, хулоса ва таклиф тавсиялардан маданий тадбирларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

қорақалпоқ халқи ўзлигини англашда миллий-маънавий (санъат, диний эътиқод, никоҳ маросимлари) ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига оид илмий-назарий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Қорақалпоғистон бўлими (2019 йил 3 октябрьдаги 01/12-340-сонли маълумотномаси), Қорақалпоғистон Республикаси телеканали «Муносабат» кўрсатувида «Қорақалпоқ халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий маданияти» рубрикаси тайёрланган (2019 йил 22 октябрьдаги

маълумотномаси) фойдаланилган. Мазкур кўрсатув ва тадбирда қорақалпоқ халқи миллий ўзлигини англашида маънавий маданият, миллий муносабатлар, этномаданий анъаналар, оилада миллий тарбия ва умуминсоний кадриятлар, этномухит тушунчаларнинг тарғибот ташвиқот ишларини самарадорлигини оширишга ва кўрсатувнинг сценарияларни тайёрлашда илмий назарий мазмунини бойитишга хизмат қилган;

қорақалпоқ халқи ўзлигини англашда маънавий-диний маданият ва миллий мероснинг ўрни миллий идентиклик жиҳатдан очиб берилган деган янгиликдан Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги Давлат санъат музейи кўргизмаларида гид фаолиятдан фойдаланилган (2019 йил 4 ноябрдаги 5-06/679-сонли маълумотномаси). Мазкур кўргазмада қорақалпоқ халқи ўзлигини англашда миллий урф-одат, тасвирий санъат, миллий кийимлар, заргарлик буюмлар, мусиқа санъати, адабиёт, фольклор, ҳунармандчилик, маданий мероси, анъаналар ва диний кадриятларни илмий асослаб беришга хизмат қилган;

глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашда маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда шажаравий тарбиянинг роли деган янгиликдан эшиттирувлар Қорақалпоғистон радиоканали «Ахборот информацион танлаш» дастурининг «Хафтанома» эшиттирувида (2019 йил 17 июндаги 561-сонли маълумотномаси), таклифлар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан мўлжалланган иш режасини бажарилишида фойдаланилган (2019 йил 31 октябрдаги 02-07/1488-сонли маълумотномаси). Мазкур эшиттириш ва таклифлар амалиётга жорий этилиши қорақалпоқ ёшларининг миллий ўзликни англашда маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, уларнинг онгига миллий ғояни сингдириш, диний ақидапарастлик оқимларга қарши иммунитетни шакллантириш, ёшларда миллий ўзликни англаш масаласини кенг эътироф этишга ва унинг тарбиявий аҳамиятини ошириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 19 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (8 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мустақиллик йиллари қорақалпоқ халқида миллий ўзликни англаш жараёни ижтимоий, маънавий-диний маданият ҳаётда долзарб

масалалардан бирига айланганлиги кўрсатилган, мавзу буйича хорижий илмий тадқиқот шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва хажми буйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Жамият ривожда ўзликни англаш ва диний омилнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланган биринчи бобида миллий ўзликни англаш, ўз-узини англаш ёки ўзликни англаш тушунчаларининг моҳияти таҳлил қилинган, қадимги дунё файласуфларида ўзликни англаш масаласи уларнинг диққат марказида бўлиб, унга нисбатан теологик ва метафизик ёндашув асосида муайян фикрларнинг юзага келиш жараёни кўриб чиқилган.

Диссертант миллий ўзликни англаш соҳасида шаклланган фикрлар, қарашлар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Чунки, жамият ривожда миллий ўзликни англаш ва диний кадриятларнинг ўзаро алоқаси, яъни концептуал масалаларини тадқиқ этиш жараёнида, унинг категориал тушунчалари миллат, этнос, этниклик каби тушунчаларга олимлар томонидан берилган таърифларга суяниб, таърифлар берилган.

Миллий ўзликни англашнинг назарий-методологик асосининг яна бир томони шундан иборатки, алоҳида халқлар, миллатлар бор экан миллий ўзликни билишга нисбатан эҳтиёж ортиб боради. Бундай эҳтиёж ҳар бир тарихий тараққиёт босқичида давлат сиёсати, инсон манфаатлари асосида ривожланиб такомиллашиб боради. Чунки миллий ўзликни англаш миллат абадийлигини таъминлайдиган омиллардан биридир.

Миллий ўзликни англаш жараёнида инсонга хос турли ижтимоий фаолият омилларини ташкил этади. Ижтимоий фаолият эҳтиёжи ва ўзликни англаш эҳтиёжи унинг ўзи каби ижтимоий тараққиёт натижасида вужудга келади. Зеро, ҳар бир инсон ўзининг келиб чиқиши тарихи, авлод-аждоди, қандай халқ ва элатга мансублигини билишга бефарқ қарамайди. Инсон бундай билимга ижтимоий фаолият орқали эришиши мумкин. Ҳар қандай фаолиятни эҳтиёжсиз, эҳтиёжни эса фаолиятсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Миллий ўзликни англашнинг эҳтиёж билан боғлиқлик томони шундаки, ҳар қандай одамнинг фаоллиги эҳтиёжини қондириш жараёнида намоён бўлади. Соҳа олимларининг фикрига кўра, улар қуйидагилардан ташкил топади:

1. Ижтимоий фаолият эҳтиёжи; 2. Ижтимоий шакллардаги муомала эҳтиёжи; 3. Касб ҳунарлик бўлиш эҳтиёжи; 4. Когнитив-кадрият тоифасидаги эҳтиёжи; 5. Ижодий эҳтиёж ва бошқалардан иборат.

Муҳим ижтимоий эҳтиёжлардан бири-ижтимоий шакллардаги муомала эҳтиёжи ва когнитив-кадриятлар тоифасидаги эҳтиёжлардир. Кишилиқ жамияти бундай эҳтиёжларга эга бўлишга ҳаракат қилган. Бу эҳтиёжлар ахлоқий идеалликка эришишни назарда тутди. Миллий ўзликни англашнинг муҳим элементларидан бўлган муомала эҳтиёжи ва кадриятларнинг

шаклланишида объектив ва субъектив жараёнлар билан бир қаторда диний омил ҳам муҳим роль ўйнаган. Зеро, кишилик жамияти тараққиётида турли меҳнат тарбиялари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий тарбиялар билан бир вақтда дин ахлоқий такомиллашув ниятида бўлган, ҳаётий муаммолар инсониятнинг яшашдан мақсади, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, меҳр-шавқат ва дағаллик (қўполлик) каби масалаларни ўзига хос илоҳий йўл орқали тушунтиришга ҳаракат қилган. Дин кишилар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини, энг аввало инсоннинг турмуш тарзини, оилавий муносабатлар тизимини қамраб олганлиги туфайли миллий ўзликни англашда муҳим ўринга эгадир.

Халқимизнинг фалсафий меросида тарбия жараёни ва у билан боғлиқ миллий ўзликни англаш масаласи доимо долзарб масалалардан бири саналган. Чунки, тарбия воситасида индивидуал ва ижтимоий онг шаклланган. Миллий ўзликни англаш микро ва макро марказларда намоён бўлади. Микро шароит деганда биз оила ва унинг қариндошларини назарда тутамиз. Ёш авлод ўзининг кимлигини, тарихини, авлод-аждодларини, қандай халққа мансублиги ҳақидаги бошланғич маълумотни оилада олади. Макро шароит эса ижтимоий меҳнат жараёни ҳамда мактаб, олий ўқув юртлари ёзма манбалар ҳисобланиб, шахс ўз миллий ўзлиги ҳақидаги фикрларни чуқурлаштиради. Бу жараёнда илмий билимлар билан амалиёт уйғунликда келса фикр аниқ бўлади. Бу ҳақда Ғаззолий қуйидагича фикр билдирган: гумроҳ кишилар «илм бўлгач, амалга ҳожат йўқ қабилда фикр қилурлар. Бундай кимсалар илмни ўзи билан кифояланиб, шароитни инкор этувчилар бўлиб, улар илм ҳосил бўлса-ю амал бўлмаса. Бу каби илмдан фойда йўқлигини билишмайди. Холбуки, ўқиб ўргангач илмга амал қилмаган кишининг қиёмат кундаги азоби икки хиссадир»⁵.

Ғаззолийнинг билим билан амалиёт уйғунлиги тарбия жараёнини асосий мазмунини ташкил этиши ва шу асосда шахс ва жамиятда ўзликни англаш, хусусан миллий ўзликни англаш мумкинлиги Шарқ мутафаккирлари ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

Миллий ўзликни англаш жараёнида бой маънавий маданиятдаги улуғвор анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этиш кўзда тутилади.

Миллий ўзликни англашнинг фалсафий-тарихий жараёнида намоён бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши таҳлилидан маълум бўлишича, у қуйидаги методологик воситаларга асосланади: миллий ўзликни англаш миллий ғоя ва унинг умумий қонуниятига; бағрикенглик толерантлик тамойилларига; ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига; қорақалпоқ халқининг маънавий-маданий меросига; инсон ва жамият тараққиётида тўпланган, тажриба саналган ва шахс дунёқарашича асос бўлган билимга; миллий психология, миллий онг ва диний психологияга асосланади.

Юқорида келтирилган методологик воситалар бирданига тўлиқ, мукамал шаклланмайди. Улар инсониятнинг ижтимоий-тарихий ҳаёти жараёнида, фойдали меҳнат билан шуғулланиш, таълим-тарбия олиш, ОАВ

⁵ Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. –Бухоро, 1992. -Б. 12.

орқали билимларга эга бўлиш, айниқса мустақил билим олиши ва онгли меҳнат жараёнида шаклланади.

Миллий ўзликни англаш муаммоси жараёнининг типологияси, моделлари ҳам қиёсий таҳлили фалсафий жихатдан тўлиқ шаклланмаган. Аммо тадқиқотчи мавжуд адабиётларда келтирилган ўзликни англаш классификациясининг бир қадар кенг тарқалган қарашлардан бири - ҳар бир цивилизация типига мос ижтимоий онг ва ўзлигини англаш жараёни хосдир, деган фикрга кўшилади.

Ўзликни англаш кўламига боғлиқ ҳолда махсус билимларнинг кенг тарқалганлиги уларнинг ҳаққонийлиги ва объективлигини субъект томонидан тўғри акс эттирилиши ҳамда ўзини-ўзи билиши (англаши) аксариат олимлар томонидан эътироф этилади.

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинган, ўзликни англаш жамиятдаги мавжуд сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий каби давлат тузилмалари таъсирида бўлади, унда турли ҳолатлар, омиллар назарда тутилади: а) давлат ҳокимияти тузилмаси, бошқарув тартиби (тоталитар, авторитар, либерал ва демократик); б) давлат мафқурасининг ўзликни англашга таъсир этиш механизми; в) муайян жамиятда жаҳон ва миллий динлар таъсирида ўзликни англашнинг (шу жумладан, миллий ўзликни англаш) мафқуравий бирлигини шаклланиши; г) муайян давлат ҳудудида ўзликни англаш жараёни: катта гуруҳлар, миллатлар, шунингдек ижтимоий-демократик ва касбий йўналишларда, шахс ҳамда кичик гуруҳларда шаклланиши кўзда тутилади.

Умуман олганда, диссертант фикрича, миллий ўзликни англашнинг қарор топиши ва ривожланишида шуни эътиборга олиш лозимки, бутун инсоният цивилизацияси тарихи-жамият ўзлигини англашнинг қарор топиши тарихидир. Аммо бу жараён муайян даврларга боғлиқ ўзликни англашнинг ўзига хос хусусиятлари билан характерланади.

Диссертациянинг **«Қорақалпоқ халқи ижтимоий-маънавий ҳаёти ривожда миллий ўзликни англашнинг этногенезиси ва маданиятининг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобда Ўрта Осиё халқларининг ичида қорақалпоқлар энг қадимийларидан бири ҳисобланиб, ўз тили, урф-одатлари, анъаналарига эга сифатида, ўзига хос маданий бойликлар билан бирга санъатнинг айрим турларига эътибор қаратиб, энг қадимий юксак мусиқий маданиятга эга бўлган. Қорақалпоқ халқи этногенезисининг шаклланиши ўзбек халқи этноси тарихи билан узвий боғлиқда бўлган. Қорақалпоқлар бошқа халқлар каби тарихий жараёнда уруғ-қабилла даврини бошидан кечирган. У жамоавийлик даври бўлиб, урф-одат ва маросимчилик қадриятлари табу қонунлари ва оқсоқоллар томонидан бошқарилган. Қорақалпоқ халқи этномаданиятини ташкил этувчи урф-одатлари, халқ оғзаки ижоди, турли ҳил мусиқа асбобларидан фойдаланиш жараёни ўзликни англаш билан узвийликда бўлган. Халқлар тақдири, ижтимоий-иқтисодий такомил билан бир қаторда маданий ва хўжалик фаолияти географик ҳамда миллий ва диний омиллар асосида тарихий жараёнда ривожланиб келган.

Қорақалпоқ халқининг ривожланиш тарихий генезисига эътибор қаратсак, биринчидан, дастлаб улар уруғ-қабила даврни бошдан кечирганлар. Ҳар бир қабила ўзининг оқсоқолини сайлаб олган ва қабила аъзолари эса унга тўлиқ бўйсунганлар. Уруғ-қабила дастлабки жамоавийлик бўлиб, қабила аъзоларининг шахсий ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ масалаларни, урф-одат, маросимчилик қадриятларини никоҳ ва дафн маросимларидан иборат барча муаммоларни «табу»⁶ қонунлари ва оқсоқол томонидан белгиланган тартибларни сидқидилдан бажариш талаб қилинган; иккинчидан, ҳозирги кунда қорақалпоқ халқининг 104 уруғи сақланиб қолган. Ҳар бир уруғга оид кишилар ўзлигини англашда фақат ривожланиш тарихини эмас, балки шу билан боғлиқ маданияти, дини, одати ота-боболари меросини ўрганишга ҳам ҳаракат қилади; учинчидан, ижтимоий ҳаётда юзага келган ички низоларнинг ҳал этиш ва душмандан сақланиш билан боғлиқ ҳодисалар уларни бирлаштирувчи ҳаракатлар, анъаналар, бийлар, рухоний томонидан бошқарилган; тўртинчидан, қорақалпоқ халқи этномаданиятини ташкил этувчи халқ оғзаки ижоди, достонлар, турли хил мусика асбобларидан фойдаланиш анча ривожланган, айни вақтда миллий ўзлиқни англаш эҳтиёжи ҳам оша борган.

Қорақалпоқларнинг миллат сифатида шаклланиши жараёнинининг дастлабки даврларидаёқ ўзлигини англашга бўлган эҳтиёж мавжуд бўлиб, уруғ-қабилачилик даврининг кейинги юқори босқичларида бу эҳтиёжи янада юксала борди. Бу жараёнда диний омил асосий компонентлардан ҳисобланиб, у политеистик онг даражасида эди. Қорақалпоқларнинг политеистик онг даражасидаги монотеистик онг даражасига ўтиши узок тарихий даврни ўз ичига олади. Айни вақтда буддавийлик, христианлик, зардуштийлик каби динлар ўз эътиқодларини қорақалпоқ халқи ҳаёти, турмуш тарзига киритишга ҳаракат қилган. Аммо қорақалпоқларда бу динларга эътиқод қилишни хоҳловчилар бўлган, фақат зардуштийлик динининг таъсири бир мунча кучли бўлган.

Хоразм ҳудудига ислом динини тарқалиши даврида бу диннинг қорақалпоқ халқи ҳаётига ҳам кириб бориши натижасида миллий ва диний онгга ўзининг кучли таъсирини ўтказа бошлади. Хонлиқлар ҳукм сураётган даврда ислом нафақат ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, балки мусулмончилик ҳуқуқи (фикҳ) асосида давлатга ишонч руҳиятига ҳам таъсирини ўтказган. Бу даврдаги задогонлар, ер эгалари бир томондан, иқтисодий жиҳатдан устунликка эга бўлиб, иккинчи томондан маънавий-руҳий жиҳатдан юқори ҳисобланиб ҳокимият тизимини бошқарувига дахлдор эдилар.

Муаллиф фикрича, ана шундай мураккаб тарихий жараёнда яшаган қорақалпоқлар ўзига хос маданияти, урф-одати, диний эътиқоди ва санъат турларига эга бўлган бўлса-да, ўзини туб моҳиятини ўзгармаган ҳолда ўзлигини англаши шу асосда давом этган. Халқлар турмуш тарзи ва умуман қорақалпоқ уруғлари бий ва оқсоқоллар орқали бошқарилган. Бу

⁶ Табу – тақик, ибтидоий жамоа даври халқларида баъзи бир иш-ҳаракат, сўз ёки буюмнинг ман қилиниши.

халқларнинг урф-одатлари, маросимчилиги асосан деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва қисман ҳунармандчилик фаолияти билан боғлиқ ҳолда бўлса, оила-ниқоҳ, тўй ва дафн маросимлари ота-боболари одати, уғитлари асосида бажарилган.

Диссертант фикрича, биринчидан, қорақалпоқ халқлари қадимий халқлардан бўлиб, дастлаб уруғ-қабила шаклида яшаган, бундай қабилалар юздан ортиқ бўлган ҳолда, ўзининг бетакрор қадриятларига таяниб, ўзлигини англашга интилган; иккинчидан, Орол денгизининг жанубий қирғоқи бўйларида яшаган массагет қабилалари милодий биринчи асрлардан то ўнинчи асрларга қадар турли этнослар билан аралашиб, дастлаб бижанаклар ва ўғузлар шаклланди, шу негизда эса VII-X асрларда қорақалпоқнинг шаклланиши жараёни бошланди; учинчидан, қорақалпоқнинг этнос (миллат) сифатида шаклланиши жараёни кейинги асрларда ҳам давом этди. Фақат XVI асрга келганда бу жараён узил-кесил охирига етди; тўртинчидан, XVII-XX аср бошларига қадар секин-аста ижтимоий ҳаётда, хўжалик юритишда суғорма деҳқончиликка ўта бошлаганлар, шу билан бирга бу даврда чорвачилик асосий роль ўйнаган, айти вақтда балиқчилик билан ҳам шуғулланганлар; бешинчидан, XIX асрдан бошлаб қорақалпоқлар сиёсий тузим жиҳатдан ўз давлати, ҳудуди, тили ва қадриятларига эга бўлиш ҳуқуқига эришганлар.

Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлар экан, миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибаларини ўрганиш, уларни ўзлаштириш ўз миллийлигини бойитиш ва ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Айти вақтда ОАВ орқали ғарб оммавий маданиятининг кенг тарғиб қилиниши қорақалпоқлар маънавий ахлоқий қадриятларига салбий таъсир кўрсатиб, улар маданиятига ноанъанавий ҳаракатлар, қарашларни вужудга келишига шу билан бирга бу ҳолат миллий ўзлигини англашга, ижтимоий онгда ўз ифодасини топиб этник маданият, анъана ва қадриятларни илдизларини йўқотишга ҳаракат қилмоқда. Бу салбий ҳолатларни енгиш учун қорақалпоқ халқлари халқ бадий маданиятида кенг имкониятлар мавжуд. «Анъанавий халқ маданияти» мамлакат маданий-ахлоқий ҳаётида содир бўладиган негатив ҳолатларни олдини олишда ижтимоий назоратнинг ички таъмирланган шакли бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса чиқарилган: биринчидан, миллий менталитет бу миллатга хос анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олар экан, мустақиллик қорақалпоқ халқи менталитетини ўрганишга, уни тиклашга имкониятлар очиб берди. Мустабид тузум даврида у ўз тарихини, анъаналарини, маданиятини, урф-одат ва қадриятларини ўрганишдан маҳрум эди. Миллий истиқлол мафқураси асрлар давомида шаклланган маънавийтимиз, урф-одат, анъаналар ва қадриятларни тиклаш имконини яратди; иккинчидан, миллий қадриятлар ҳам миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлишидир. Уларни ўзига хос бошқа халқларникига ўхшамайдиган

урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифлаш ҳозирги кунимиз учун аҳамиятга эга. Шунингдек, қорақалпоқ халқининг миллий ва диний қадриятларини тиклаш асносида аждодлари қолдирган моддий, маънавий мероси, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган хиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини шакллантирилмоқда; учинчидан, қорақалпоқ халқининг ижтимоий-тарихий жараёнда ривожланишнинг тахлилидан маълум бўлишича, ўзлигини англаш ва ахлоқий билимлари ота-боболари удумлари, табу ва урф-одатларда шаклланган нормалар орқали бошқарилган. Бу ижтимоий-тарихий жараёнда шаклланган билимлар ўша давр одамининг ўзлигини анлашнинг асосий воситаси бўлиш билан ахлоқий нормаларни шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Кейинги миллий маданият ва миллатнинг шаклланиши жараёни миллий ўзликни англашга замин яратган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашнинг такомиллашуви**» деб номланади. Унда глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашга эҳтиёжни ошиб боришнинг яна бир томони дин, этнос ва миллий психологиянинг ўзаро алоқадорлигидадир, чунки этник жиҳатдан ўзлигини англаш миллий психологиянинг социал-психологик тизими тузилишидан ажралмасдир, шунингдек, миллий-маънавий тикланиш ва миллий ўзликни англаш жараёнига таъсир этувчи таҳдидларни олдини олиш муаммолари ва ечимлари кўриб чиқилган.

Муаллиф фикрича, умуман глобаллашув шароитида миллий ўзликни англашга эҳтиёжни ортиб бориши жараёни жамият тараққиётида, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ маънавий-маданий омилларни ижтимоий онгда шаклланишида дин, этнос ва миллий психология диалектик алоқадорликда бўлади. Бу: этнос ва миллий психологиянинг узвий боғлиқлигида; этнос ва диннинг индивидуал ва ижтимоий онгда ёнма-ён ривожланишида; миллат, миллий психология ва ўзликни англашнинг умум алоқадорлигида намоён бўлади.

Миллий ўзликни англашнинг умумалоқадорлик томонлари ҳозирги глобаллашув шароитида ҳам миллий ўзликни англаш эҳтиёжини тобора ортиб боришида ўз ўрнига эгадир.

XX асрнинг охирига келиб дунёда, айниқса, унинг жўғрофий-сиёсий харитасида катта ўзгаришлар бўлди, янги-янги мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамятига келиб қўшилдилар. Шу билан бирга бу асрнинг охири ўзига хос тарзда диний қадриятларга қайтиш даври ҳам бўлди. Марказий Осиёнинг мустақилликка эришган мамлакатларда ислом таълимоти номидан иш кўриш, ўз давлати сиёсатини ислом воситасида «тахлил» қилишга уриниш, шу йўлда турли хил фитналар, бўҳтонлар уюштириш, бузғунчилик ҳаракатлари ҳам кучайди. Мазкур мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда турли носоғлом ғоялар, экстремистик оқимларининг мақсадлари ва кирдикорларини оммага тушунтириш, бундай оқимлар фаолиятини чеклаш ва таъқиқлашга эътибор кучайтирилди.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этишнинг ҳозирги даврдаги долзарб масалалардан бири мафкуравий, ғоявий ва ҳатто маълум даражада сиёсий аҳамиятга эга бўлган динни, шу жумладан Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштиришга унинг миллий ўзликни англашга тўсқинлик қилувчи жиҳатларига қарши кескин ва изчил кураш олиб бориш зарур. Айниқса, турли норасмий диний ҳаракатлар: нурчилар, ваҳҳобийлар, ҳизб таҳрир ал-исломий, айниқса кейинги йилларда пайдо бўлган «Ислом давлати» (ИШИД) ва бошқаларнинг ислом дини ҳақидаги бузғунчи ғоялардан, бўхтонлардан ёшларни химоя қилиш миллий ўзликни англашда ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

